Ajab savdolar

# АНТИҚА ТЕКШИРУВ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Энди буёғини сўрасангиз, аллақачон Ғаллаорол туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 11 сентябрдаги қарори билан "Нафиса" хусусий дорихонасига 666 минг 810 сўм молиявий жарима қўлланилган бўлиб, бундан Эркин Норматов мутлақо бехабар эди. У 4 октябр куни солиқ идорасига бориб, "Савдо рухсатномаси"ни қайтариб олиш учун А.Усмоновга учрашади. Шунда А.Усмонов далолатноманинг бир нусхасини унинг қўлига тутқазади. Энг қизиғи, бу пайтда дорихонанинг банкдаги ҳисоб рақамида мавжуд бўлган 366 минг сўм жарима учун инкасса тўлов топшириқномаси орқали олиб қўйилганди. Бундан ташқари, туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг 14 сентябр куни қарори билан фуқаро Марзия Норматовага нисбатан **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги кодекснинг 164-моддаси 1-қисми билан маъмурий жарима ҳам қўлланилганди.

Аслини айтганда, дорихона раҳбари Э. Норматов солиқ идораси ходими Ш.Назаровга енг ичида берган ўттиз беш минг сўм ана шу маъмурий жарима пули эди...

Хўш, Марзия Норматова ким бўлди, унинг бу ишларга қандай алоқаси бор, дейсизми?

Буни ғаллароллик текширувчилардан сўраш керак. Ёдингизда бўлса, улар дорихонада текшириш ўтказишаётган пайтда З.Аҳмедованинг шахсини аниқлашни хаёлларига ҳам келтиришмади, дегандик. Ана шу «арзимаган» хатонинг оқибатида бу ишга мутлақо алоқаси бўлмаган фуқаро М.Норматова маъмурий жарима билан "сийланади".

Шундан сўнг бундан ҳам қизиқ воқеа рўй беради. 6530 сўм ўрнига ўттиз беш минг сўм тўлаган Э.Норматов солиқ инспекцияси бошлиғи Ш.Қораевнинг ҳузурига келиб, ноҳақликдан нолийди. Эртаси куни эса Ш.Назаров дорихонага келиб, ўшанда олган пулнинг 15 минг сўмини ташлаб кетади, 13 минг 470 сўмини ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади...

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари Э.Норматовнинг аризасини ўрганиш чоғида туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан бир талай қонунбузарликлар содир этилганлиги ойдинлашди. Жумладан, холислар Ф.Шукуров билан У.Саидов дорихонага кирган вақтларида солиқ идораси ходимлари томонидан текшириш ўтказилаётганини кўришган. Лекин улар фуқаро А.Рашидовга касса чеки орқали дори сотилган, сотилмаганлигини исботлай олишмади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июндаги **"Нақд пул муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Республика Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаментининг 2004 йил 6 июлдаги келишувига асосан хўжалик субъектлари нақд пул тушумларини узрли сабабсиз уч кун ва ундан ортиқ вақт кетма-кет топширмаса ёки ёпиқ бўлса, солиқ инспекцияси, тижорат банки ва инкассация бўлими ходимлари томонидан жойига чиқиб, бунинг сабаблари ўрганилиши керак. Агар масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бундай вазиятда солиқ идораси ходимлари юқорида қайд этилган қарор талабларининг бажарилиши юзасидан ишлаб чиқилган қўлланмани ҳам қўпол тарзда бузишган.

Адлия бошқармаси вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи номига мазкур қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, вилоят прокурори номига Ш.Назаров устидан жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этиш тўғрисида тақдимномалар киритганди. Бундан ташқари, вилоят хўжалик судига Ғаллаорол туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2004 йилнинг 11 сентябрида "Нафиса" хусусий дорихонасига нисбатан қўлланилган 666 минг 810 сўм молиявий жаримага тортиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишни сўраб даъво аризаси киритилганди. Иш судда кўрилиш арафасида тақдимномаларга жавоб келди.

"Нафиса" хусусий дорихонаси ва фуқаро М.Норматовага нисбатан молиявий ҳамда маъмурий жарималар қўллаш тўғрисидаги қарорлар асоссизлиги, шунингдек, ноқонунийлиги учун вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан бекор қилинган. Ундириб олинган суммалар ўз ўрнига қайтарилган. Туман Давлат солиқ инспекцияси ходими Шерзод Назаров эгаллаб турган вазифасидан озод қилинган. Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ш.Қораевга "ҳайфсан" интизомий жазоси берилган.

Вилоят прокуратурасидан келган жавобда маълум қилинишича, тақдимномада келтирилган ҳолатлар тўлиқ ўз тасдиғини топган. Шерзод Назаров Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Хўжалик суди эса тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилган молиявий жарима бекор қилинганлиги, ўртада низо барҳам топганлиги сабабли ушбу хўжалик ишини иш юритувидан тугатди.

Таҳлил қилиб қараганда, бу машмашалар ҳеч кимга керак эмас эди. Солиқ инспекциясининг маъмурий амалиёт бўйича катта инспектори Ш.Назаров қонунни менсимай қўйган. Акс ҳолда у текшириш ҳужжатларини чуқур ўрганмасдан, ҳуқуқбузар шахснинг иштирокисиз, қонун талабларига риоя қилмасдан, молиявий ва маъмурий жаримага тортиш тўғрисида хулоса бермаган бўларди. Очиғи, касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади дегандек, Шерзод Назаров ҳам нафсининг қутқусига учди. Ўзгаларни алдаш, ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан бировнинг мулкини қўлга киритишга интилиб ишдан бўшатилди. Эл олдида юзи шувут бўлди.

Бу дунёда мартаба, амал ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ш.Қораев қарорларга имзо чекишдан олдин унинг ортида инсон турганини, ҳар бир фуқаро манфаатлари қонун билан муҳофаза қилинишини унутган кўринади. Раҳбарнинг фазилати тарозининг икки палласини ҳар доим тенг тутишда эмасми? Ходимларга ишониш керак, лекин қарорга имзо чекишдан аввал унинг қанчалик қонунга мослиги текшириб кўрилса, хижолатпазликка ўрин қолмайди.

Бу воқеаларнинг бошида А.Усмонов билан А.Бегалиев «фаолияти»га раҳбарлари баҳо беришгандир. Лекин шуниси аниқки, воқеаларнинг бу даражада тус олиши, солиқ ходими деган шарафли номга доғ туширишида ҳар икки шаввознинг "хизмати" катта.

Бирники мингга, мингники туманга дейишади. Ш.Назаровга ўхшаганларнинг биттаси ҳам соҳа вакилларининг нуфузига соя ташлайди.

Хулоса шуки, бугун ҳаётимизда қонун устуворлиги тобора ортиб бораётган экан, бундай «енг учи»да қилинган ишлар ҳеч қачон назардан четда қолиб кетмайди.

**Носир МАЖИДОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Bugunning gapi

# МУРУВВАТ ҚАЛБНИ ПОКЛАЙДИ



*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Корхона даромади ва шахсий жамғармаси ҳисобидан "Қайнама" фуқаролар йиғинига қарашли "Янгиработ" ҳамда Мустақиллик маҳаллалари учун "Маънавият ва маърифат" хонаси ва оқсоқоллар чойхонасини қуриб берилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 7 декабр куни қабул қилинган **"2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, нафақахўр ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни тобора кучайтириш"**га қаратилган Фармонга амалда лаббай деб жавоб бериб, "Янгиработ" қишлоғида яшовчи ёлғиз қариялар Гулсум Каримова, Мелия Рамозонова, ногиронлар Собир Каримов, Али Амирхонов, Назира Абдуллаева сингари 10 дан ортиқ оилани ўз оталиғига олди.

Корхонада ишлаб чиқаришнинг тобора шаклланиб бориши нафақат туман ва вилоятнинг ички истеъмол бозорини, балки қўшни вилоятларни ҳам сифатли сут маҳсулотлари билан таъминлаш учун истиқболли шартномалар тузишга йўл очди. Жумладан, корхона Тошкент вилоятининг "Бешёғоч", "Ўрдасавдо", "Софсавдо" ва шу сингари бошқа ўнлаб савдо марказлари билан олиб бораётган ўзаро ҳамкорлигига эътибор қаратиш ўринлидир. Истиқболли шартномага кўра, пишлоқ, сариқмой, намокобли пишлоқ, эритилган пишлоқ маҳсулотлари шу ернинг ўзида қайта ишланиб ҳамкорларга ўз вақтида етказиб берилмоқда. Албатта, бу "Истиқлол" корхонаси раҳбари Шамсия Мавлонованинг ишбилармонлиги, соҳани пухта ўзлаштириб, имкониятлардан оқилона фойдаланаётганлигидан далолатдир. Шу ўринда Шамсия Мавлонова амалга ошираётган саховатли ишларга яна бир бор тўхталиб ўтиш жоиз. Корхонада ишчи ўринларини қисқартириш эмас, аксинча, кўпайтириш, бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг унумли фаолият юритиши учун яхши шарт-шароит яратиш масаласи муҳим ўрин тутади. Қишлоқда йил сайин кўплаб ўғил-қизлар ўрта мактабни битириб чиқмоқда. "Истиқлол" корхонасининг даромадига яраша буромадини яхши англаган ота-оналар фарзандларини бу масканда ишлашларига ҳавасманд. Шамсия Мавлонова ишлаб чиқариш цехини кенгайтириш ва цехнинг юқори қаватидаги фойдаланилмай турган хоналарни қайта таъмирлаб қишлоқ қиз-жувонлари учун бичиш-тикиш марказини ишга тушириш ҳисобига яна 20 нафар ёшларни имтиёзли равишда ишга қабул қилиш режасини тузиб чиқди. Имтиёзлилиги шундаки, мазкур қўшимча иш ўринларига асосан маҳалладаги кам таъминланган оила фарзандлари қабул қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бугун Самарқандда Шамсия Мовлонва сингари ўнлаб-юзлаб саховатпеша тадбиркор-у ишбилармонлар фаолият кўрсатмоқдалар. Улар истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, нафақат ўзлари бойишмоқда, балки эл-юрт дастурхони тўкинлигига ҳисса қўшиб, кўпнинг дуосини олишмоқда. Зеро, "кўпнинг дуоси кўл бўлади", дейди доно халқимиз. Биз ҳам тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз орасида худди мақоламиз қаҳрамони каби эзгулик ва саховатпешалик камарини белларига маҳкам боғлаган юртдошларимиз кўпаяверсин, деймиз.

**Рўзимурод ТУРСУНОВ,**
**журналист**

Qonun dastagi

# ҚОНУННИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

***Термизлик тадбиркор Отабек Алиев кўпдан буён қум барханларига туташ чўл бағрида боғ яратишни кўнглига тугиб юрарди. Ҳар бир ишнинг вақти-соати бор деганларидек, тадбиркор ҳам ўтган йил эрта баҳорда Термиз туман ҳокимиятига ариза билан мурожаат қилди. Ҳокимиятдаги мутасаддилар ҳам тадбиркорнинг режасини қўллаб-қувватлашди. Унга тумандаги "Наврўз" ширкат хўжалиги ҳудудидан 15 гектар ташландиқ ер бериладиган бўлди. Тадбиркор бу ернинг 5 гектарида боғ яратиб, қолган ўн гектарига ғалла ва пахта экиши керак эди. Шундан сўнг тадбиркорга 15 гектар ер ажратиш тўғрисида "Наврўз" ширкат хўжалигининг 2004 йил 11 март куни 24-сонли қарори ҳам қабул қилинди.***



Кўнглидаги нияти рўёбга чиқаётганидан қувонган Отабек Алиев чўл бағридаги ерни ўз маблағи эвазига ўзлаштиришга киришди. Қонуний бўлсин, дея "Наврўз" ширкат хўжалиги билан 5 гектарлик боғ барпо этиш учун 28-сонли ижара шартномасини ҳам тузиб, тасдиқлатиб қўйди. Албатта, шартнома хўжакўрсинга тузилмайди. У қонуний ҳужжат ҳисобланишини тадбиркор яхши биларди.

Бироқ ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Демоқчимизки, қумликлар бағрида боғ яратишнинг ўзи бўлмайди. Тадбиркор масаланинг шу томонларини ўйлаб, Сурхондарё ёзининг жазирама иссиғи, қолаверса, афғон шамолига бардош берадиган илдизи бақувват кўчатлар излашга тушди. Топди ҳам. Қўшни Қумқўрғон туманида яшайдиган боғбон Илҳом Тўлашевдан чўл шароитига мослаштирилган 2100 дона кўчатнинг ҳар бирини 800 сўмдан, жами 1680000 сўмга, "Беш қаҳрамон" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи боғбон Тошмамат Маматқуловдан уч минг дона ток, олма, шафтоли, ёнғоқ, хурмо, анор кўчатларини харид қилиб, боғ барпо қилишга киришди. Орадан кўп ўтмай тадбиркорнинг меҳнати кўзга ташланиб қолди. Чўл бағрида кўрган кўзни қувонтирадиган боғ яратилди.

Албатта, тадбиркор ўз меҳнатидан мамнун эди.

Бироқ кутилмаган воқеа юз берди-ю, унинг кўнгли хира тортди.

Гап шундаки, тадбиркорнинг меҳнати кўзга ташланиб қолган кунларнинг бирида Термиз туман ер ресурслари бўлими бошлиғи А.Бузруков, туман Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи Н. Бўронов ва ҳуқуқшунос Р.Худоёровдан иборат вакиллар бўлажак боғ майдонига келишди.

— Бу ерда боғ қилмайсиз. Ҳамма ишни йиғиштириб қўйинг! — дея буйруқ беришди улар.

— Ахир, мен боғ яратаман деб, анча маблағ сарфлаб қўйдим, — деди тадбиркор ҳайрон бўлиб.

— Гапни кўп чўзмай, айтганимизни қилинг. Қолаверса, бу туман ҳокимининг топшириғи! Энди ҳаммасини тушунгандирсиз?!

Қисқаси, ўша куни икки ўртада тортишув бўлиб ўтди. Ҳокимият вакиллари ўз сўзидан, тадбиркор эса босган қадамидан қайтмади. Лекин охир-оқибат янги барпо қилинаётган боғ бузиб ташланди...

Албатта, бундай нописандлик тадбиркорга жуда оғир ботди. Бунинг устига у бир томондан шунча меҳнатига, иккинчи томондан эса боғ яратиш учун сарфлаган маблағига куйиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Шу боис у бузилган ҳақ-ҳуқуқини тиклашда ёрдам беришни сўраб турли идораларга мурожаат қилди.

Вилоят адлия ходимлари тадбиркорнинг аризасини атрофлича ўрганиб чиқишди. Қонун тадбиркор томонда эди. Унинг қўлидаги ҳужжатлар ҳам буни тасдиқлаб турарди.

Шу боис адлия бошқармаси тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқи бузилган, бунинг устига унга нисбатан катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказилган, деб топди. Кейин фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суд ҳам масалани атрофлича муҳокама қилиб, тадбиркор Отабек Алиев фойдасига "Наврўз" ширкат хўжалиги раиси К.Мирзаев ҳамда Термиз туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи А.Жомуродовдан солидар тартибда 3.200.000 сўм моддий зарар, "Наврўз" ширкат хўжалиги раиси К.Мирзаевдан катта миқдорда маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Демак, қонунни билган қоқилмайди.

Бир қарашда адолат қарор топгандай туюлди. Аммо эзгу ният билан боғ яратай, элнинг дастурхонини тўкин қилишга ҳисса қўшай, дея ишга киришган бир тадбиркорнинг ташаббусини йўққа чиқариш кимга керак эди?

Ахир, бундай нописандлик тадбиркор бўламан, деган ниятда юрган бошқа кишиларнинг иштиёқини сўндирмайдими?

Масаланинг ана шу томонлари ҳақида ўйлаганда, жойлардаги баъзи мутасаддиларнинг бундай нописандлиги жамиятимиз учун катта зарар экани янада ойдинлашади.

**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

**2005 йил 18 январ** *12-ум*-**сон** **Тошкент шаҳри**

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Яна шуни айтиш жоизки, вилоят солиқ идоралари фаолиятида ҳанузгача тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишга тўсқинлик қилиш давом этмоқда. Ушбу идора томонидан тадбиркорларни ҳисобга қўйиш тартибларини бузиш, молиявий ва маъмурий жарималарни ноқонуний қўллаш, шунингдек, "инкассо" топшириқномаларини ноқонуний қўйиш, текширишлар тартибини бузиш, тадбиркорнинг имтиёз олишга ҳуқуқи бўлса-да, уни қўлламаслик каби жами 917 та қонунбузилиш ҳолати содир этилган. Биргина вилоят адлия бошқармаси 2004 йилда солиқ идораси ходимларининг 2886 та ҳолатда ноқонуний ҳаракатлар содир этганини аниқлаган.

Шунингдек, бошқа назорат қилувчи идоралар, яъни давлат санитария-эпидемиология марказлари (597 та), архитектура ва қурилиш идоралари (654 та), давлат ёнғин хавфсизлиги идоралари (176 та), статистика идоралари (170 та), ички ишлар идоралари (117 та), стандартлаштириш идоралари ва метрология бошқармаси (28 та), табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (106 та), меҳнат идоралари ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари (56 та), вилоят божхона бошқармаси (39 та), монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг вилоят бошқармаси (22 та) фаолиятида ҳам бир қатор қонунбузарлик ҳолатлари мавжудлиги аниқланган. Шулардан жами 136 та ҳолатда текширишлар тартиби бузилган, ҳатто рухсатсиз ноқонуний текшириш (7 та) ўтказишга йўл қўйилган.

Вилоятда хўжалик юритувчи субъектлардаги шартнома мажбуриятларини бажарилиши юзасидан 2004 йилда ўтказилган ўрганишларда жами 2813 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Ушбу соҳадаги қонунбузарликларнинг аксарияти "Ўзқишлоқхўжаликкимё" (300 та), "Ўзпахтасаноат" (662 та), "Ўздонмаҳсулот" (151 та), "Ўзагромашсервис" (308 та), "Ўзбек-ипаги" (235 та) ва нефтбазанинг Нефть (130 та) туман ташкилотларида содир этилганлиги маълум бўлган. Тайёрлов идоралари фермерларга ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда аванс маблағлари бермаган, охирги ҳисоб-китобларни ҳам амалга оширмаган. Бу тизим раҳбарлари фермерлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида давлат буюртмалари ҳам бажарилмай қолган.

Бундан ташқари, баъзи туманлардаги ер ажратиш комиссиялари фаолиятида ҳам қонунбузарлик содир этилган. Жумладан, ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқувчи Бекобод, Бўстонлиқ, Қибрай туман комиссиялари, ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган **"Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида"**ги Низом талаби бузилган ҳолда танлов ўтказилмасдан ёки танловда иштирок этмаган фуқаро ва фермер хўжаликларига ер майдонлари бериш тўғрисида қарорлар чиқарилганлиги, тендерлар номигагина ўтказилгани маълум бўлган. Ўтказилган ўрганишлар натижасида тадбиркорлар ва фермер хўжаликларига ер ажратиш масалаларига оид 2287 та қонунбузилиши ҳолати аниқланган.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси нотариал идоралар, ФҲДЁ ва адвокатура бўлимлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилишда ҳам камчиликларга йўл қўйган. Жумладан, кўпчилик нотариал идораларда гаров (ипотека) шартномаларини рўйхатга олиш талаб даражасида амалга оширилмаган. Масалан, юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати топширилмаган ёки бу ҳақда тасдиқ ёзуви кўрсатилмаган, айрим ҳолларда кўчмас мулкка нисбатан тақиқ, яъни арест йўқлиги матнда кўрсатилган бўлса-да, ҳақиқатда давлат нотариал идорасидан ушбу маълумотлар олинмаган, битим тузиш учун берилган ишончномалар ва бошқа зарур ҳужжатлар тўлиқ ўрганилмаган.

Вилоятдаги баъзи туман ФҲДЁ бўлимларида иш юритиш суст йўлга қўйилган, мудиралар ўзларининг касб малакаларини ошириш бўйича талаб даражада шуғулланмаган, иш юритувчиларнинг фаолияти устидан назорат бўшаштириб юборилган.

Адлия бошқармаси томонидан 473 нафар фуқарога адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилган бўлса-да, ҳозирги кунда 259 нафар адвокат фаолият юритмоқда, 196 нафари эса адвокатлик фаолияти билан шуғулланаётганлиги ҳақида маълумот йўқ. Умуман айтганда, адвокатларнинг малака даражасини ошириш, уларнинг иш фаолиятини талаб даражасида ташкил этишга жиддий эътибор берилмаган.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси айрим нотариал идоралар, ФҲДЁ ва адвокатлар учун яратилган моддий шарт-шароитлари қониқарсиз аҳволда экани, улар талаб даражасида ишлаши учун бинолар жиҳозланмаганига эътиборсизлик билан қараб келганди. Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлимига 2004 йил ўрганиш давомида келиб тушган 51450 та ижро ҳужжатининг 42959 таси ёки 83,5 фоизи ижроси таъминланганлиги аниқланган. Шундан 8491 таси ёки 16,5 фоизи 2003 йилдан қолдиқ бўлиб ўтган ишлардир. Бироқ қолдиқ бўлиб ўтган бу ижро ҳужжатларининг 1174 таси ёки 13,8 фоизининг қонуний муддати бузилган. Айрим ҳолатларда ижро ҳужжатлари бўйича жамғармага келиб тушиши лозим бўлган маблағлар асоссиз равишда ўтказилмасдан келинган.

Адлия идораларига юклатилаётган вазифаларнинг муҳим ва кўп қирралигини инобатга олиб, ҳар бир ходимнинг иш фаолияти тўлиқ ўрганилиб, унинг лавозимига лойиқлигига баҳо берилмасдан келинган. Марказий оммавий ахборот воситаларида ходимларнинг чиқишлари сони ва сифати талаб даражада эмас.

Юқорида таъкидланган фикрлардан келиб чиқиб, адлия идоралари олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ таъминлаш, Тошкент вилоят адлия бошқармаси фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2005 йил 7 январдаги Адлия вазирлигининг Ҳайъат қарорини ижро этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шартномавий муносабатлар бўйича амалга ошираётган ишларида кўплаб камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Маҳаллий ҳокимият идораларининг тадбиркорлардан ноқонуний жалб этган маблағларини бир ой муддат ичида уларга қайтариш ва ноқонуний қабул қилинган қарорларни бекор қилиш таъминлансин. Бундай қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш чоралари кўрилсин.

Тадбиркорнинг маблағи дахлсиз эканлиги, унинг ҳақиқий розилигисиз маблағини турли тадбирларга жалб этиш мулкий дахлсизликка тажовуз этиш каби жиноятлардан бири эканлигини маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари мансабдор шахсларига тушунтириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилсин.

3. Вазирлик ишчи гуруҳи томонидан вилоятда ўтказилган ўрганишлар натижасида тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, коммуникация тармоқларига уланиш, турар жойларни нотурар жойларга айлантиришга рухсатномалар беришда аниқланган қонунбузарликларни таҳлил қилиб, "бир йўла" рўйхатга олиш тартибини ҳар бир туманда шу масалаларга масъул шахслар билан шахсан адлия бошқармаси бошлиғи муҳокама қилсин. Тадбиркорлик, фермерлик ривожланишига эътиборсизлик билан қараётган, улар фаолиятига асоссиз аралашиб, иш юритишларига турли тўсиқлар қўяётган мансабдор шахсларнинг ҳаракати олиб борилаётган ислоҳотларга жиддий путур етказиш деб баҳолансин. Ушбу ҳаракатларни содир этган, қонунни менсимай келаётган ҳар қандай мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жазо чоралари кўрилсин.

4. Ноқонуний ташкил этилган бинолардан фойдаланиш вилоят бошқармасининг фаолиятини тугатиш масаласи кўриб чиқилсин. Улар томонидан тадбиркорлардан асоссиз ундирилган маблағлар қайтарилиши чораси кўрилсин.

5. Вилоят ҳудудида мавжуд хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналардан фаолият юритмаётганларининг сабаби чуқур таҳлил этилиб, фаолиятини қайта йўлга қўйиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилсин. Ҳақиқий ҳолатни яна бир марта ўрганиб, қатъий назорат ўрнатилсин.

Вилоятдаги хорижий инвестициялар иштирокидаги ҳар бир корхонанинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларни бошқарма мониторинг ўтказиш йўли билан аниқлаб, уларнинг "паспортларини" тузишни якунига етказсин.

6. Вилоят адлия бошқармаси жойлардаги давлат бошқарув идоралари, шу жумладан, назорат қилувчи ва хизмат кўрсатувчи идоралардаги ижро интизомига доимий равишда эътибор бериб борсин. Бу соҳа мутахассислари билан семинар ва ўқитиш ишларини олиб боришни таъминласин.

7. Солиқ идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларига етказилаётган зарарлар шахсан айбдор мансабдор шахслар чўнтагидан ундирилиши таъминлансин. Имтиёзларни қўллаш, ортиқча ундирилган солиқларни қайтариш чоралари кўрилсин.

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи вилоят солиқ идораси ва прокуратураси иштирокида, Адлия вазирлиги мутахассисларини жалб қилган ҳолда, барча туман солиқ инспекцияси бошлиқлари ҳамда уларнинг махсус таркибини йиғиб аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан муҳокама ўтказсин. Қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган айбдор шахслардан тушунтириш олинсин.

8. Вилоятдаги назорат қилувчи идоралар томонидан ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлиги доимий равишда қатъий назоратга олинсин. Бу борада текширишларни мувофиқлаштириш вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш йўлга қўйилсин. Текшириш тартибини бузиш ҳолатларига чек қўйилсин. Ўтказилган ҳар бир рухсатсиз ноқонуний текширишлар юзасидан тушунтириш олиниб, айбдор шахсларни ишдан бўшатиш чораси кўрилсин.

9. Хўжалик юритувчи субъектларни текшириб, уларни узоқ муддат давомида асоссиз ёпиб қўйиш, вақтида очиб бермаслик, фаолиятини юритиш учун рухсатномаларни бермай сансоларликка солиш оқибатида тадбиркорлик субъектларига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритиш таъминлансин.

10. Вилоятдаги "Ўзпахтасаноат", "Ўздонмаҳсулот", "Ўзбек ипаги", "Ўзқишлоқхўжаликкимё", "Ўзнефтмаҳсулотлари", "Ўзагромашсервис" корхоналари тизимига кирувчи идораларда етарли назорат ўрнатилмагани учун уларнинг раҳбарларидан тушунтириш сўралсин. Фермерлар билан ишлаш аҳволи чуқур таҳлил этилсин ва фермерларга тўланмаётган маблағларни ундириш чоралари кўрилсин. Шахсан айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ва келтирилган зарарларни улар ҳисобидан қоплаш лозим.

11. Қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартномалар бўйича муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг тўлиқ ишлашини таъминлаш юзасидан тегишли тадбирлар белгилансин.

Асосий эътибор қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказувчи ва уларнинг бажарилиши устидан мониторинг юритувчи қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг туман бўлимлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилсин.

12. Фермерларга ер майдонлари ажратишда тендерларни адолатли тарзда ўтказилишини, мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилаётган ҳар бир ноқонуний хатти-ҳаракат фермерлик сиёсатига қарши жиноий ҳаракат деб баҳоланиб, айбдор шахсларга нисбатан суд тартибида қаттиқ жазо чоралари кўрилиши таъминлансин. Ҳар бир ўтказилаётган тендер адлия идорасининг масъул ходимлари томонидан доимий равишда кузатиб борилсин. Ноқонуний ҳаракатлар тўғрисида зудлик билан Адлия вазирлигига ахборот бериб борилсин.

13. Вилоятдаги Тошкент, Бўстонлиқ ва Қибрай туманлари ФҲДЁ биноларининг аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермаслигига адлия бошқармаси алоҳида эътибор қаратсин. Йил якунигача мазкур биноларда ходимларнинг иш шароити ва тантанали маросимлар ўтказилиши учун тўлиқ шарт-шароит яратиб бериш чоралари кўрилсин.

14. Вилоятдаги барча нотариуслар томонидан амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг қонунийлигини таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўрилсин. Фаолиятида қўпол қонунбузарликлар содир этаётган ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилсин.

15. Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар таъсис ҳужжатларини рўйхатга олишда йўл қўйилган камчиликлар атрофлича ўрганиб чиқилсин ва бартараф этилсин.

16. Вилоят адлия бошқармасининг ҳар бир ходимига алоҳида иш тақсимоти белгилаб берилсин ва уларнинг ишини сифат даражасига баҳо бериб, кадрларнинг малака даражасини ошириш чораси кўрилсин.

17. Адлия вазирлигининг Тошкент вилоят ҳокимига киритган тақдимномасида кўрсатилган ҳар бир қонунбузилиш ҳолати бўйича алоҳида назорат карточкалари юритилиши ва назорат карточкалари аниқланган қонунбузарлик тўлиқ бартараф этилиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқи тикланиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилгандан сўнгтина назоратдан олиниши таъминлансин ва бу тартибга қатъий риоя этилсин. Жавобгарлик чораларини қўллашда ноқонуний ҳаракатларнинг характери ва қонунбузарнинг айбига мувофиқ таъсир чоралари қўлланишига алоҳида эътибор қаратилсин.

18. Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи (Б.Атаматов) мазкур буйруқда кўрсатиб ўтилган камчиликларни жорий йилнинг ярим йиллик якунига қадар бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминламаса, унга нисбатан жиддий жазо чораси қўлланилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

19. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг вилоят бўлими бошлиғи (Б.Алметов) икки ой муддат ичида ижрога келиб тушган ҳужжатларни ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминлаш чораларини кўрсин. Ижро бўйича ундирувлар ва тушумларни белгиланган тартибда мақсадли йўналтиришни мунтазам назоратини таъминлаш тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилсин.

20. Мазкур буйруқнинг ижро этилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Х.Содиқов зиммасига юклатилсин.

**Вазир А. ПОЛВОН-ЗОДА**

# ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ – АМАЛДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ўз навбатида, Сенатнинг мутлақ ваколатларига, хусусан, Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш киради.

Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этиб, Конституция талабига мувофиқ, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тақдим этди. Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Мурод Шарифхўжаевни, Раис ўринбосарлари этиб Фарруҳа Муҳиддинова ва Муса Ерниязовни сайладилар.

Сенаторлар Сенат қўмиталарини ташкил этдилар ва уларнинг раисларини ҳам сайладилар.

Қонунчилик палатаси билан Сенат биргаликда Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; конституциявий қонунларни ва қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; референдум ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш; мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш сингари масъулиятли вазифаларни рўёбга чиқаради.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси билан Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг мамлакат таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш; Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш; Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларни ўзгартириш; туманлар, шаҳарлар: вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш каби давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалаларини қамрайди.

Бу борада Конституцияда белгиланган 21 та банддан иборат ваколатлар сирасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш; Президент тақдимига биноан Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш; Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш; халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш; Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳам киради.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган ушбу масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

Юқорида санаб ўтилган ана шу муҳим ваколатлардан айримлари Қуйи палата ва Сенатнинг биринчи қўшма мажлисида амалга оширилди.

Мазкур мажлисда депутатлар ва сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини топшириш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқди ва уни қондириб, янги ҳукумат таркиби шаклланганча ҳукуматга ўз вазифасини бажариб туришни топширди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Ш.Мирзиёев номзодини тавсия этди. Муҳокамада сўзга чиққан депутатлар ва сенаторлар Президент томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тавсия этилган Ш.Мирзиёев номзодини маъқуллади.

Парламент палаталари Ш.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлади ва палаталарнинг тегишли қарорини қабул қилди.

Қўшма мажлисда сўзлаган дастуриламал маърузасида давлатимиз раҳбари ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш борасида бешта асосий соҳа бўйича ўз олдимизга қўйган устувор вазифа ва йўналишларга алоҳида тўхталди.

Дастлабки тилга олинган соҳа — давлат қурилиши ва бошқаруви соҳаси бўлиб, бунда энг муҳим вазифа — қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборатдир.

Бу борада, аввало, Президент ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси — Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, иккинчидан, Бош вазир ва умуман, мамлакат ҳукуматининг ролини ва шу билан бирга, масъулиятини кучайтириш, учинчидан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади.



Юртбошимизнинг фикрича, мамлакатимизда янги, икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад, биринчидан, парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш; иккинчидан, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш; учинчидан, Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш; тўртинчидан эса аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтиришдир.

Юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси аввало мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган **«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари»**, деган тамойилни ўзида ифода этади.

Президентимиз таъкидлаганидек, **бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир.**

**Таҳририят**

Iftixor

# ФАРАҲБАХШ КУНЛАР

Бугун мамлакатимизда тараққиётимиз, ҳаёт фаровонлигига хизмат қиладиган ҳар бир саъй-ҳаракат, интилиш ва ташаббус қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, фермерлик ҳаракати ва тадбиркорлиқ фаолиятининг қонун йўли билан ҳимоя қилиниши ҳам ижтимоий ривожланиш учун кенг йўл очиб берди.

Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа тумани ҳудудида қадимий Хоразм давлатига оид кўплаб эски обидалар сақланиб қолган. Шундай ёдгорликлардан бири Гулдурсунқалъа қўрғонидир. Халқимизнинг бой ўтмиши ва маданий меросига бўлган муҳаббатимиз рамзи сифатида 2002 йилда ташкил қилинган фермер хўжалигимизга "Гулдурсун" номини бердик. Ўтган йиллар давомида 28 гектар ер майдонида деҳқончилик қилдик ва мўл-кўл пахта, буғдой етиштирдик. Тўпланган ҳосил эвазига хўжалигимиз даромади ҳам йилдан-йилга ошиб борди.

Табиийки, фермерлик соҳасида қўлга киритган муваффақиятларимиз ҳар биримизни қувонтиради. Бироқ бугун давр шундайки, эришилган ютуқлар билан чекланиб бўлмайди. Қолаверса, Конституциянинг 53-моддасида давлатимизнинг **"иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини"** кафолатлаши айтилган. Худди шу ҳолатлар меҳнатга иштиёқманд кўнглимизда янги истаклар уйғотди. Шу зайлда 2004 йилнинг январида "Гулдурсунсавдо" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этишга муваффақ бўлдик. Халқ банкининг туман бўлимидан 30 миллион сўм миқдорида кредит олдик. Қарабсизки, қисқа фурсатлар ичида туманимиз маркази саналган Бўстон шаҳри марказида икки қаватли кўркам бино қад тиклади. Бугунги кунда бинода минимаркет ва маиший бинолар аҳолига хизмат кўрсатяпти. Корхонамиз таркибида новвот, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехлар фаолият кўрсатиб турибди.

Аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб, Бўстон шаҳри ва туманимизнинг ўн битта деҳқончилик хўжаликлари ҳудудларида савдо дўконлари барпо этдик.

Гулдурсунқалъа обидаси этагида гузаримиз бор. Эндиликда қишлоқ ёшларининг бахт кечалари, бошқа тантанали маросимлар мана шу масканда ўтказиладиган бўлди. Гузарда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ишга туширилди.

Таъкидлаганимдек, ўтган йил мобайнида туманимизнинг турли нуқталарида кенг кўламда бунёдкорлик ишларини амалга оширдик. Шунга қарамасдан, йил ниҳоясида 5 миллион сўмлик соф даромадга эга бўлдик. Шу маблағ ҳисобидан Бўстон шаҳри, ал-Хоразмий номидаги ва "Боғёп" хўжаликларида рўйхатда турувчи кам таъминланган оилаларга 500 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатдик. Бу анъанани янги йилда ҳам давом эттириш ниятидамиз: "Сиҳат-саломатлик йили" муносабати билан туман марказий касалхонасига ҳар жиҳатдан моддий ёрдам кўрсатишни режалаштирганмиз.

Эҳтимол, менинг бу гапларим қуруқ мақтанишга ўхшаб кетар. Аммо мустақиллик ҳавосидан нафас олиб, завқли меҳнатга бел боғлаган ҳар қандай киши бу ҳолнинг ҳеч бир муболағасиз айни ҳақиқат эканлигига шубҳа билдирмайди. Зеро, бу фараҳбахш кунларимиз мустақиллигимиз ҳадя этган бахт ва барқарорликнинг оддий бир кўриниши, холос.

**Рашид ШОМУРОДОВ,**
**тадбиркор**
**Элликқалъа тумани**

Jamiyatimiz maqsadi

# ОИЛА МУҚАДДАС МАСКАН



**Соғлом фарзанд — миллат келажаги**, деган сўзлар бугун том маънода ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятига айланиб бормоқда. Чунки истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда оила, оналик ва болалик, баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ йўналишида бекиёс ислоҳотлар амалга оширилиб келинаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. "Аёллар йили", "Оналар ва болалар йили", "Соғлом авлод йили" дастурлари асосида амалга оширилган ишларнинг ўзини санаб адо қилиб бўлмайди. Қолаверса, янги — 2005 йилни **"Сиҳат ва саломатлик йили"**, деб аталиши замирида аввало, ана шу қутлуғ мақсад мужассам.

Айни мақсад йўлида турли соҳа вакиллари билан бир қаторда ФҲДЁ (фуқаролик ҳолатларини далолатномага ёзиш) ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатиб фаолият кўрсатмоқда.

Бугун эса ФҲДЁ идоралари зиммасига катта масъулиятли вазифалар юклатилган. Биз энг аввало, никоҳдан ўтиш учун ариза билан мурожаат қилган ёшлар билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказамиз. Ана шу суҳбат асосида уларнинг никоҳдан ўтиш, оила қуришга бўлган масъулиятини янада оширишга ҳаракат қиламиз. Ахир, бугун оила қуриш, ўзидан зурриёд қолдириш фақат икки ёшнинг истак-хоҳиши эмас, балки миллат келажагига дахлдор масаладир. Энг муҳими, бугун оила қуриш ниятида бўлган барча-барча ёшлар тиббий кўрикдан ўтиши шарт этиб белгиланганини бениҳоя қутлуғ иш бўлди.

Тўғри, аввалбошда тиббий кўрикдан ўтиш кўпчиликка сингишмагандай туюлган эди. Баъзи ота-она ёки ёшларнинг қариндош-уруғлари, баъзан эса турмуш қуришга ният қилган йигит-қизларнинг ўзи "тиббий кўрикдан ўтиш шартмикан" деганига гувоҳ бўлганмиз. Лекин орадан кўп ўтмай фуқаролар тиббий кўрик энг аввало, янги барпо этилаётган оиланинг мустаҳкамлиги, дунёга келажак фарзандларнинг тўрт мучаси бут, соғлом ва дуркун бўлишига хизмат қилишини англаб етишди.

Илгари биз ёшлардан тиббий кўрикдан ўтишларини талаб қилган бўлсак, бугун аксинча, уларнинг ўзи ёки ота-оналари бу ишга бош-қош бўлмоқда.

Хуллас, саъй-ҳаракатларимизнинг натижаси ўлароқ, бугун оила қуришни ният қилган ҳар бир йигит-қиз онгли равишда тиббий кўрикдан ўтмоқда. Соғлом ва ҳар томонлама бирбирини тўлдирадиган ёшлардан ташкил топаётган оилаларда ажралиш ҳолатлари учрамайди. Бир сўз билан айтганда, бугун оила муқаддас даргоҳ эканлигини ҳар бир ёш чин дилдан англаб етмоқда. Мана шу англаш ҳисси оиланинг мустаҳкамлиги ва фарзандларимиз баркамоллигига асос бўлади.

**Гулбаҳор ШАҲАРОВА,**
**Фориш тумани**

Taassuf

# КОСА ТАГИДА НИМКОСА



Бугунги кунда мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилмоқда. Жамоалар негизида хусусий корхоналар, акционерлик масъулияти чекланган жамиятлар тузилмоқда. Энг муҳими, уларнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақоми таъсис шартномаси ва Низомлари асосида белгиланмоқда.

Ғиждувон туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш участкаси 2003 йил 6 февралда "Бухоросувқурилиш" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг буйруғига биноан жамият таркибидан чиқарилгач, мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида фаолият юритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Шуни айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 майдаги 119-сонли қарори билан тасдиқланган **"Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тартиби тўғрисида"**ги Низом талаблари асосида меҳнат жамоасининг аризасига кўра, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғининг 2003 йил 13 июнда корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ишчи комиссияси тузиш тўғрисидаги 57-сонли буйруғи қабул қилинди.

Шу тарзда бу борадаги ишлар юришиб кетди. Орадан бир кун ўтиб-ўтмай тузилган ишчи комиссияси томонидан корхонани хусусийлаштириш тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини Давлат мулкини бошқариш вилоят бошқармаси эксперт комиссияси ўрганиб чиқди. Комиссия хулосаси кўра, корхона баҳоси 29.130.400 сўм ёки 30.708$ миқдорида белгиланди.

Шундан сўнг мазкур бошқарманинг 2003 йил 29 августдаги 124-сонли буйруғи билан хўжалик ҳисобидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш участкаси масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди.

Шуни айтиш жоизки, юқорида қайд этилган буйруқнинг иккинчи бандига кўра, жамият Низоми ва таъсис шартномаси тасдиқланди. Ғиждувон туман ҳокимининг 2003 йил 26 сентябрдаги 1916-сонли қарори билан "Қайроқтош" масъулияти чекланган жамияти давлат рўйхатига олинди. Юридик шахс сифатида 960-тартиб рақами билан рўйхатга олиниб, солиқ тўловчи сифатида ҳам тегишли рақам берилди.

Бундан ташқари, бошқарма буйруғининг 4-бандида буйруқ имзоланган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида корхонани баҳолаш қийматининг 30 фоизи, яъни 8739,1 минг сўм бошқарма ҳисоб рақамига, қолган 20391,1 минг сўм бир йил мобайнида ҳар чоракда тенг улушларда давлат мулк бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши қайд этилган эди. Буйруқнинг 5-бандида эса вилоят Давлат мулк бошқармаси билан масъулияти чекланган жамият ўртасида ўзаро мажбуриятлар тўғрисида шартнома битими имзоланиши назарда тутилган эди.

Бир қарашда корхонани хусусийлаштириш борасидаги ишлар рисоладаги каби кетаётгандек туюлади.

Гап шундаки, юқорида номи тилга олинган бошқарманинг хусусийлаштириш бўлими бошлиғи М.Тўраев буйруқнинг ижросини назорат қилишни "ёдидан" чиқариб қўйди. Оқибатда давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган пул маблағлари ундириб олинмади эмас, шартнома-битим тузиш ҳам қоғозда қолиб кетди.

Фақат орадан беш ярим ой ўтгач, жаноб М.Тўраев бирдан хушёр тортди ва шоша-пиша "Қайроқтош" МЧЖга 2/144-сонли хат билан мурожаат қилиб, бошқарманинг 2003 йил 29 августдаги 124-сонли буйруғининг 4-банди талаблари бажарилмаётганини эслатди. У фақат шу билан чекланиб қолмай, агар маблағлар жаримаси билан 25 февралгача тўланмаса, буйруқ бекор қилиниб, корхона кимошди савдосига қўйилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Хўш, бу ҳол нимани англатади? Бу талабчанликми ёки...

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

# ГЕРМАНИЯ: НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Психолог-шифокорларнинг таъкидлашича, никоҳ бузилгач, оилада энг оғир зарбани фарзандлар олишаркан. Ота-она қарамоғида улғаяётган бола билан ёлғиз ота ёки онанинг тарбиясида ўсаётган ўсмирнинг онги, тарбияси, илм олишга интилиши, фикрлаш доираси ва дунёқарашида ҳам кескин фарқ қилиши ҳаётда аллақачон ўз исботини топган. Баъзи олимларнинг фикрича, ажралишни қонун йўли билан таъқиқлаган ҳолдагина бирор-бир ижобий натижага эришиш мумкин. Бошқа бир гуруҳ эса **"агар ажралишни таъқиқловчи қонун қабул қилинса, бу инсон эркинлигини ҳам чеклаб қўяди"**, деган ғояни илгари суради.

Хуллас, ҳозирча бу борада дунё ҳуқуқшунослари бир тўхтамга келишгани йўқ. Лекин ҳар бир давлат, миллат ва халқнинг ўз менталитетидан келиб чиққан ҳолда ажралиш ишларини кўриб чиқувчи қонун-қоидалари мавжуд. Худди шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, бугун оилавий ажралишларга Германия қонунчилиги қандай қараши ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, Германия қонунчилигида немис миллатига мансуб бўлмаган ва мамлакат фуқаролигини олмаган оилаларнинг ажралиш ҳақидаги аризалари инобатга олинмайди. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, суд бундай ишларни аризачилар қайси мамлакатда никоҳдан ўтган бўлса, ажралиш ҳолатини ҳам ўша мамлакат қонунчилиги асосида кўриб чиқиши керак, деб ҳисоблайди. Бошқа мамлакатлардан Германияга кўчиб келган ва фуқароликни қабул қилган шахсларнинг ажралиш ҳақидаги аризаларини эса суд амалдаги қонунчиликка биноан кўриб чиқади.

Хўш, никоҳни бекор қилишнинг немисча усули қандай?

Шуни айтиш жоизки, Германияда амалда бўлган қонунларда белгиланишича, никоҳни асраб қолишнинг ҳеч бир иложи қолмаган вазиятдагина ажралиш акти қайд этилади. Суд никоҳни бекор қилиш ҳақида ажрим чиқаргунга қадар, эр ва хотин билан суҳбат ўтказади ва уларга ажралишмасдан вақтинча алоҳида яшаш тавсия этилади. Бу муддат камида уч йилни ташкил этади. Агар томонлар уч йил ичида ўзаро келишиб кетолмаса, шундан кейингина суд ушбу масалани кўриб чиқиши мумкин. Бундай ҳолатда бир томон — эр ёки хотиннинг даъвоси етарли ҳисобланади. Иккинчи томоннинг никоҳни бекор қилишга қарши экани инобатга олинмайди.

Бундан ташқари Германияда қуйидаги омиллар никоҳни бекор қилишга сабаб бўлади:

**I. Эр ёки хотиннинг хиёнати;**

**II. Эр ёки хотиннинг доимий ичкиликка берилиб кетиши;**

**III. Эрнинг доимий зўравонлиги, яъни бўлар-бўлмасга хотинини калтаклаши, доимий равишда хўрлаши.**

Албатта, дунёнинг бошқа мамлакатлари қонунчилигида бўлгани каби, Германия қонунчилигида ҳам никоҳни бекор қилиш пайтида алимент масаласига алоҳида эътибор берилади.

Бу ўринда энг аввало, томонларнинг иқтисодий имкониятлари чуқур ўрганилади ва шунга қараб алимент миқдори белгиланади. Агар эр ишлаб, хотин бола билан уйда ўтирса, албатта, эрнинг ойлик маошига қараб алимент ундирилади. Лекин амалдаги қонунчиликка биноан алимент тўловчи белгиланган миқдордаги нафақани бергач, унинг ўзида энг камида 1300 марка миқдорида маблағ қолиши керак. Аксинча вазиятда, яъни хотин ишлаб, эр болалар билан уйда ўтирадиган бўлса, хотиннинг ойлик маошига қараб алимент белгиланади ва эрга ундириб берилади. Албатта, Германияда ҳам **"алимент тўлашдан бўйин товлаш"** ҳоллари учраб туради. Бундай ҳолат аниқланса, алимент тўлаши керак бўлган эр ёки хотин даромадини давлатдан яшириб, собиқ оиласи таъминотидан бўйин товласа, қонун олдида жавоб беради.

Шунингдек, Германияда никоҳ бекор қилингач, **оиладаги болалар ким билан қолади,** деган савол ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий, албатта.

Бунга жавобан шуни айтиш керакки, Германия судлари ҳам фарзанд тарбияси билан асосан она шуғулланса, мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Агар собиқ эр ёки хотин бу масалада норозилик билдирса, суд ушбу муаммони қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқади. Шунингдек, оилада бир неча нафар фарзанд бўлса, бундай вазиятда болаларнинг розилиги инобатга олинади. Никоҳ бекор бўлгач, бола тарбиясига масъул бўлган ота ёки она иккинчи томоннинг фарзанди билан учрашувига тўсқинлик қилмаслиги ҳам қонунда кўрсатиб ўтилган.

Шу ўринда агар эр ва хотин узоқ йиллар, дейлик, йигирма, ўттиз ёки ундан ортиқ йил бирга яшаб, кейин ажрашишга қарор қилган бўлса, уларнинг моддий таъминоти қандай бўлади, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Келинг, бу саволга ҳам жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Бундай ҳолатларда никоҳни бекор қилаётган суд жараёнида эр ва хотин бирга яшаган даврида топилган даромади ҳисоблаб чиқилиб, тенг иккига бўлинади ва шундан келиб чиқиб нафақа миқдори белгиланади. Агар улар биргаликда яшаган даврда эр ёки хотин кўпроқ даромад қилиб, бири иккинчисига нисбатан кўпроқ нафақа олган бўлса ҳам, никоҳ бекор қилингач, нафақа миқдори тенглаштирилади. Шунингдек, эр ёки хотин суд жараёнида нафақани рад этса, бу ҳолат ҳам қонун бўйича кўриб чиқилади.

Одатда, дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам никоҳ бекор қилиниши пайтида собиқ эр-хотинларга тегишли бўлган уй-жой ва мол-мулк масаласи энг кўп тортишувга сабаб бўлади. Хўш, Германия қонунчилигида бу муаммо ўз ечимини қандай топган?

Агар уй-жой ва мол-мулкни бўлиб олишда томонлар ўртасида келишмовчилик пайдо бўлса, бу масалани ҳам суд кўриб чиқади. Энг аввало, суд ҳайъати томонларнинг уй-жойга муҳтожлиги масаласини ўрганиб чиқади ва шунга асосан ажрим чиқаради. Кўп ҳолларда фарзандлар билан қолган она ёки ота уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Энди мол-мулк масаласига келсак, аввало, никоҳ тузилгунга қадар эр ёки хотинга тегишли мол-мулк бўлса, (айтайлик, автомашина, ер ёки турли-туман қимматбаҳо тақинчоқлар) ана шу мулкнинг тўлиқ дахлсизлиги таъминланади. Яъни мулк тўлиғича ўз эгасида қолдирилади. Эр-хотин биргаликда яшаган даврида тўплаган мулк эса иккига тақсимланади. Агар мол-мулкни бўлишда томонлардан бирига камроқ тегадиган бўлса, кўпроқ мулкка эгалик қилаётган томон ўртадаги фарқни келишилган ҳолда пул билан тўлаши ҳам мумкин. Германиянинг амалдаги қонунчилигида никоҳ бекор қилинаётган пайтда мол-мулк ўз-ўзидан бўлинмайди. Мулкни бўлиш учун томонлардан бири судга даъво аризаси киритиши шарт. Шунингдек, эр ёки хотин мулкдан воз кечиш ҳуқуқига ҳам эга.

Германияда ажрашиш истагида бўлган фуқаролар судга фақатгина адвокат орқали мурожаат қилиши керак. Суд харажатлари мурожаат қилувчининг моддий аҳволидан келиб чиқиб, 2000 маркадан 5000 маркагача белгиланган. Шунингдек, моддий аҳволи жуда оғир бўлган оилалар никоҳни бекор қилаётганида суд харажатлари давлат ҳисобидан тўланиши ҳам кўзда тутилган.

**Жасурбек МУҲАММАДҚУЛОВ,**
**ЎзМУ магистранти**

Jinoyat va jazo

# ЭССИЗГИНА ШОҲСАНАМ...

СУД ОЧЕРКИ

Шоҳсанам ёш ва чиройли, истараси ниҳоятда иссиқ қиз бўлгани учун унга рўбарў келган ҳар бир йигит эътиборсиз ўтиб кетолмасди. Яна шуни айтиш керакки, Шоҳсанам яхши оилада яхши тарбия топган, эс-ҳушли, одобли қиз бўлиб, кўнглида бир олам орзулари бор эди. Энг аввало, у ўзи ўқиётган тиббиёт коллежини муваффақиятли битириб, сўнг олий ўқув юртига киришни кўнглига тугиб қўйганди.

Ёш кунларининг бирида у давлат имтихонларига тайёргарлик кўриш учун Каршидаги китоб савдоси ярмаркасига борди. У китобларни кўздан кечираётган маҳал:

— Яхши қиз, сиз қайси ёзувчининг китобини кидираяпсиз? - деган саволни эшитиб, беихтиёр овоз келган томонга қаради. Икки қадам нарида унга баланд бўйли, келишгангина бир йигит мулойим кулимсираб турар эди. Шоҳсанам кўзларини олиб кочди. Кейинги пайтларда Шоҳсанам танишиш максадида гап ташлайдиган йигитларни кўп кўрар, одатда, у ундайларга парво килмас, саволларига жавоб ҳам бермай индамай йўлида давом этарди. Лекин бу йигитни Шоҳсанам ҳар қадамда учрайдиган шилқимларга ўхшатмади. Шунинг учун у:

— Мен бадиий китоб эмас, дарслик қидиряпман, — дея соддадиллик билан жавоб берди.

Шоҳсанам ёш бўлганлиги учун ҳаётни ўзи ўқиган китоблар оркали тасаввур қилар, унинг назарида, ижобий қаҳрамонлар келишган, маданиятли, билимдон бўлса, салбий қаҳрамонлар турки совуқ бўлиши керак эди. Энг ёмони, у ҳаётда ҳам одамлар мана шу тарзда ажралиб туради, дея янгиш ўйлар эди. Баъзан чиройли қиёфа ортида шафқатсиз, ҳар қандай разилликдан тап тортмайдиган кимса яширинган бўлишини у сира хаёлига келтирмасди. Аслини айтганда, мана шу янглиш тасаввур тажрибасизлик, ишонувчанлик унинг ҳаётини барбод қилди. Чунки у илк марта кўзи тушгандаёқ ўқимишли, маданиятли деб ўйлаган йигит — Муталлиб аслида мактабнинг саккизинчи синфини базўр битирган, қинғир ишлар билан пул топишни ўзига касб қилиб олган қаллоб йигит эди. У пул топишнинг осон йўлига кириб аввалига кўздек яқин қариндоши Ҳомид аканинг қўтонидан икки бош қўйни ўғирлаб, бозорда ўттиз минг сўмга сотиб юборган эди. Кейинчалик у ўзини маъмурий идоралардан бирида ишлайман, деб фирибгарлик йўли билан пул ишлашга ўтди. Гулбаҳор деган аёлнинг қимматбаҳо тилла занжирини яхшисига алмаштириб бераман, дея олиб бошқа бировга сотди-да, пулини эса ўзи ишлатиб юборди. У бундай фирибгарлик билан кўпгина содда одамларни қақшатган эди.

Бу гал эса у ўзини Шоҳсанамга миллий хавфсизлик хизматида ишлайман, деб таништирди. Содда ва ишонувчан Шоҳсанам эса унинг гапларига чиппа-чин ишонди.

Шундан сўнг Шоҳсанам Муталлиб билан бир неча марта учрашди. Муталлиб ўта усталик билан аста-секин қизнинг қалбини забт этиб борар, у одатда, ҳар гал учрашишганда, ўзини мулойим табиат, тарбияли киши сингари тутарди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muhokama uchun mavzu

# ТАКЛИФ, ТАНҚИД, МУЛОҲАЗА...



### ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ ОШИРИЛСА...

Яқинда ўқитувчимиз "Сиҳат-саломатлик йили" мавзуида иншо ёзиб келиш ҳақида уйга вазифа берди. Уйда ушбу мавзуга оид бир қатор адабиётларни ўқиб чиқдим. Ана шу мутоала жараёнида нима сабабдан бугун баъзи ёшлар йўлдан адашиб, иллатларга "ошно" тутиниб қолаётганини англагандек бўлдим. Балки фикрларим сизга маъқул тушар, балки маъқул тушмас. Нима бўлганда ҳам, ўзим ўйлаганларимни қоғозга тушираяпман. Агар ушбу ёзаётганларим газета саҳифаларида чоп этилиб, унга тенгдошларим, ўқитувчилар, қолаверса, ота-оналар ҳам муносабат билдириб, баҳсга киришсалар, фойдадан холи бўлмас эди, деб ўйлайман.

Хуллас, мени **"ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди"**, деган фикрнинг таҳлили қизиқтириб қолди. Бу ҳақда дадамдан, ўқитувчиларимдан ва бошқа катталардан сўрадим. Уларнинг фикрича ҳам, киши жиноятчи бўлиб туғилмайди. Демак, оилада, маҳаллада, мактабда тўғри тарбия олмаган бола жиноятчиликка мойил бўлиб вояга етади, деб айтиш мумкин. Шундай экан, мурғак ва беғубор гўдакнинг гиёҳвандга айланиб кетишига катталар ҳам айбдор эмасми?!

Агар фарзандни ота-она тўғри йўлга бошласа, маҳалла-кўй ахлоқини назорат қилса, мактаб маъмурияти, ўқитувчи-устозлари ўқишга қизиқтира билса, ундай бола ҳеч қачон ёмон йўлга кирмайди. Аксинча, уйда ота-она фарзанд тарбиясига бефарқ бўлса, маҳалла-кўйда қўни-қўшни, оқсоқоллар кўча-кўйда бекорчиликдан санғиб юрган болаларга панд-насиҳат беришмаса, мактабда устозлар ўқувчининг ўзлаштириши, хулқ-атвори, дарсларга қатнашишини қатъий назоратга олмаса, боланинг кўнглида бўшлик пайдо бўлади.

Кўп ҳолларда ота-оналар фарзандлари номақбул ишга қўл уриб қўйганидан кейин унга дакки беради ёки "нега ўз вақтида уни ёмон йўлга кириб кетганини билмай қолдим", деб афсус-надомат чекишади. Лекин донишманд ота-боболаримиз айтганидек, **сўнгги пушаймон, ўзингга душман**...

Ушбу мақолани ёзишдан мақсадим, газетангиз орқали айрим таклифларимни ўртага ташламоқчи эдим. Менинг назаримда, беғубор боланинг жиноятчилик кўчасига кириб қолишига энг аввало, ота-она жавобгардир. Чунки бола тарбиясида катта масъулият айнан ота-онанинг зиммасига тушади. Демак, бола ёмон йўлга кириб кетса, ота-она фарзандининг ва, қолаверса, жамиятнинг олдидаги бурчи, масъулиятини бажармаган бўлади. Шундай экан, қонун олдида ёмон йўлга кириб қолган фарзанд билан теппа-тенг равишда ота-она ҳам жавоб бериши керак, деб ўйлайман.

Агар бирон-бир жиноятга қўл урган бола мактаб ўқувчиси бўлса, ўша мактаб маъмурияти, синф раҳбари ва тарбиясига масъул бўлган шахслар ҳам қонуний йўл билан жазоланишлари керак, деб ўйлайман. Ана шундагина ота-она, маҳалла фаоллари ва ўқитувчилар жамоасининг ўсмир, қолаверса, жамият олдидаги масъулияти янада ошган бўларди.

Булар, албатта, менинг шахсий фикрларим. Қани тенгдошларим, устозлар ва ота-оналарнинг фикри қандай бўларкан?..

**Сардорбек ҲАМРОЕВ,**
**Ҳамза туманидаги 206-мактаб ўқувчиси**

### КИТОБНИ ГУЛШАНГА ҚИЁС ҚИЛАМАН

Газетанинг ўтган сонларидан бирида чоп этилган **"Китоб ўқиётган бола"** сарлавҳали мақолани ўқиб, қўлимга қалам олдим.

Худди кечагидек эсимда, ҳали мактаб ўқувчиси эдим, бобомнинг уй кутубхонасига кириб, ўзимни сирли бир гулшанга кириб қолгандек ҳис қилардим. Бир томонда Алишер Навоий, Ҳофиз ва Бедил, бошқа томонда Беруний, Форобий, Улуғбек, яна бир томонда Ибн Сино-ю, Умар Ҳайём мени ўзларига чорлагандек бўларди. Чустий ва Ғайратий, Эркин Воҳидову, Абдулла Ориповларнинг асарлари меҳримни, диққатимни ром қиларди.

Қишнинг узун кечаларида уйимизда бобом бошчилигида китобхонлик бўларди. Навбат-навбат овоз чиқариб китоб ўқирдик. "Алпомиш" чоҳга тушганида эзилиб-эзилиб йиғлаганларим, Ойбарчинга қўшилиб интизорлик билан Бойчиборнинг йўлига кўз тикканларим ҳам ёдимда. Билмадим, биз содда эдикми ёки ота-оналаримиз шундай руҳда тарбиялаганмиди, ҳар ҳолда бадиий асар қаҳрамони билан бирга "яшардик". Йиғласа йиғлаб, кулса қўшилиб қаҳ-қаҳ урардик...

Кўп кузатганим бор. Ҳозир баъзи ёшлар китоб ўқиб йиғлаш у ёқда турсин, ҳатто кино кўраётганларида ҳам ҳайратланишмайди. Аксинча, актёрларнинг хатти-ҳаракатларини, кийим-кечагини таҳлил қилиб ўтиришади. Ахир, ҳайратланмасдан, ишонмасдан кино кўриш ёки китоб ўқишнинг нима кераги бор. Бу худди катта одамга "бор эканда йўқ экан", деб эртак айтишдай гап-ку.

Уч ёшидан телевизор олдига "михланган" бола саводи чиққунича Уолт Десней мультфильмларини ёдлаб олади. Энди унга "Алпомиш"у "Гўрўғли"нинг қаҳрамонликлари чўпчак бўлиб туюлади. Ҳали юқорида биз қишнинг узун тунларида оилавий китобхонлик қилардик, деб айтдим. Хўп, энди сиз айтингчи, қачон болаларингизни олдингиз ўтқазиб уларга китоб ўқиб бердингиз? Қачон кенжангиз ухлагунча эртак айтдингиз? Ҳеч бўлмаса, қачон фарзандингиз берган майда-чуйда (биз катталар учун) саволларнинг ҳамма-ҳаммасига эринмасдан жавоб бердингиз?

Афсуски, бугун бу саволларга ҳаммамиз ҳам эмин-эркин жавоб бера олмаймиз. Чунки энг аввало, оилада фарзандларга кам вақт ажратамиз. Уларнинг саволларига жавоб излаб бош қотиргандан кўра, "мультик" қўйиб беришни маъқул топамиз. "Китоб ўқиётган бола" мақоласи муаллифи тўғри таъкидлаганидек, китобхонлик оиладан бошланади. "Менинг болам китоб ўқимайди ёки ўқишга қизиқмайди", деган ота-она юз фоиз ноҳақдир. Чунки китоб ўқимайдиган ва китоб ўқишга қизиқмайдиган болалар бўлмайди. Аксинча, уларни қизиқтира олмайдиган ота-оналар бўлиши мумкин. Шундай экан, биз, сиз, хуллас, ҳамма-ҳаммамиз бу ҳақда жиддий бош қотиришимиз керак.

**Сарвиноз ХОЛОВА,**
**ТДМИ талабаси**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Азиз газетхон! Мана яна ўқувчиларимизнинг мактубларини эътиборингизга ҳавола этдик. Уларда кўтарилган муаммолар ҳам бугуннинг энг долзарб мавзуларидан эканлигига шак-шубҳа йўқ. Қолаверса, мактаб ўқувчисининг ўз тенгдошлари — келажагимиз бўлган ёшлар ва уларнинг тарбияси борасида куюнчаклик билан йўллаган мактуби сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Сиз ҳам бизга ёзинг, баҳсимизда қатнашинг. Ўтган гал айтиб ўтган фикримизни яна такрорлаймиз: газета бизнинг эмас, аксинча, сизнинг минбарингиз!*

**Ислом ҲАМРО тайёрлади.**

Jinoyat anatomiyasi

# ЁМОНДАН ЎЛИМ ҲАМ ҚОЧАДИ, —

***деган мақолни эшитмаган одам бўлмаса керак. Албатта, бу ҳикматни биз, шарқликларнинг ота-бобомиз айтиб кетишган. Дунёнинг ғарбий томонларида ҳам ана шундай мақол борми ёки йўқ, бизга қоронғу. Лекин ғарбдаги жиноятчилик тарихини варақлаб кўрсангиз, уларда ҳам ўлим ёмонларни "ёқтирмас"лигига ишонч ҳосил қиласиз. Ишонмайман, дейсизми? Унда қуйидаги воқеаларни ўқиб кўринг.***

### ЎЛИШНИ ИСТАМАГАН ЖИММИ...

1983 йил 2 сентябрда АҚШнинг Миссисипи штатида ашаддий жиноятчи Жимми Ли Гре газ камерасида қатл этилишга ҳукм қилинган эди. Жазонинг бундай усули қўлланаётган пайтда жиноятчи газ камерасига киритилгач, эшиклар маҳкам беркитилади ва ҳавога цианист водородининг буғи юборилади. Ана шундан кейин орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас жиноятчи жон таслим қилади. Махсус гувоҳлар бу жараённи газ камераси деворига ўрнатилган ойнаванд туйнук орқали кузатиб туришади. Жиноятчи жон таслим қилгач, улар ҳукм ижро этилганлиги ҳақидаги ҳужжатни имзолашади.

Энди асосий воқеага қайтадиган бўлсак, жиноятчи Жимми Ли Грега белгиланган жазони ижро этиш ўз вақтида бошланди. Жиноятчини газ камерасига киритишиб, махсус ўриндиққа маҳкамлаб боғлашди. Камера эшиги беркитилгач, кузатувчилар гуруҳи ойнаванд туйнук олдига тўпланишди. Шундан сўнггина шереф махсус хизматчиларга камерага газ жўнатиш ҳақида буйруқ берди.

Табиийки, жони қил устида турган бир паллада ҳам жиноятчи яна бир неча дақиқа узоқроқ яшашга жонжаҳди билан уринади. Яъни заҳарли ҳаводан нафас олмай дамини ичига ютиб туради. Жимми Ли Гре ҳам худди шундай йўл тутди. У аввалига нафас олмасликка ҳаракат қилди, бироқ бунга узоқ вақт бардош бера олмади. Ва кузатувчиларнинг кўз ўнгида ўн бир марта чуқур-чуқур нафас олди. Шундан кейингина унинг авзойида газдан буғилиш ҳолати кўзга ташлана бошлади. Лекин орадан бир, икки, уч... ҳатто, тўққизинчи дақиқада ўтса ҳамки, Жимми ҳали тирик эди. Бу ҳолатни киприк қоқмай кузатиб турган шереф гувоҳлардан кузатув хонасидан чиқиб кетишни талаб қилди. Кузатувчиларнинг гувоҳлик беришларича, Жимми Ли Гре тўққизинчи дақиқада ҳам ўзи мустаҳкам боғланган стулдан туришга ҳаракат қилаётган экан...

Одатда, жазонинг бундай тури ижро этилаётганда, маҳкумлар биринчи дақиқанинг ўзидаёқ жон таслим қилардилар. Чунки камера ичига тўлдирилган заҳарли газ бениҳоя ўткир бўлиб, бир марта нафас олган одамни буғиб ташларди.

Жимми Ли Гре эса...

Қисқаси, Жимми газ камерасида неча минут туриб берганлиги ҳақидаги тўлиқ маълумотни фақатгина шереф билади. У эса сўраганларга бу ҳақда айтишни истамаган.

### АЖАЛ КОМИДАГИ "РЕКОРД"

Газ камераси-ку ўз йўлига, ҳатто электр ўриндиғида ўтириб ҳам "ўлимни тан олишни истамаган"лар бор экан. Мана бир мисол.

1985 йилнинг 16 октябрида Индиана штати суди жиноятчи Уильям Вендиверни ўлим жазосига ҳукм қилди. Ҳукм электр столида ижро этилиши ҳам белгиланди. Одатда, оддий одамнинг ўлими учун юқори кучланишли токнинг бир уриши ва бир неча сония етади. Лекин жазо ижрочилари Уильям Вундерверни бир, икки марота эмас, балки беш (!) марта ўта юқори кучланишли ток билан урдиришди. Гувоҳларнинг айтишича, Уильям электр ўриндиғида роппароса 16 минут чидаб берган. Мутахассисларнинг айтишича, бу "кўрсаткич"ни бемалол "Генниснинг рекордлар китоби"га киритса, бўлар экан.

### "ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛИБ ТУРАДИ"

Олий жазога ҳукм этилган – жиноятчини қатл қилишнинг турлари кўп. Бурунги даврларда ашаддий жиноятчиларга нисбатан осиб ёки отиб ўлдириш жазоси қўлланилган бўлса, кейинчалик юқорида айтиб ўтганимиздек, газ камераси, электр ўриндиғи каби усуллари пайдо бўлди. Бундан кўзланган мақсад битта — у ҳам бўлса, камроқ азоб бериб, ҳукмни тезроқ ижро этиш.

XX асрнинг иккинчи ярмида ана шундай "усул"ларнинг яна бири "кашф" этилди. Бу янгиликка кўра жиноятчини эмлаш (укол) воситасида жазолашдир. Бундай жазони қўллашда аввал жиноятчининг томирига натрий барбитурат (ухлатувчи дори) юборилади. Кейин эса понкориум бромид (инсоннинг нафас олиш йўлларини шикастлантирувчи восита) ва энг охирида эса, калийли хлорид (юрак фалажини келтириб чиқарувчи ва томирларни кенгайтирувчи) дорилар юборилади. Ана шу "эмлаш"лардан кейин эса, бир неча сонияда жиноятчи уйқуга кетади ва шу тариқа абадий уйғонмайди.

Лекин 1982 йилнинг декабр ойида АҚШнинг Техас штатидаги Хантвилльск турмасида жазони ижро этилиши бу усул ҳам ҳамиша ўзини оқлайвермаслигини кўрсатди. Чунки жиноятчи – қирқ ёшлик Чарлз Брукс штат суди қарори билан "эмлаш" воситалари орқали жазога ҳукм қилинган эди. Буни қарангки, юқорида айтиб ўтилган барча "эмлаш" воситалари Чарлзнинг томирига юборилгач, орадан етти (!) минут ўтгачгина у уйқуга кетди. Шифокорлар унинг ўлим ҳолатини қайд этиш учун эса, роппа-роса ўн олти минут кутишларига тўғри келди.

Жазони ижро этишга иштирок этганлар шифокорлардан "нега бундай бўлди" деб сўрашганида, улар "шунақаси ҳам бўлиб туради", дейишдан нарига ўтолмади.

### "...БИР СОАТ БЎЛСА-ДА, КЎПРОҚ ЯШАДИМ"

Буни қарангки, жиноятчиликнинг узоқ тарихида ҳам олий жазога ҳукм қилинганлар ўлимдан қутулиб қолиш ёки ҳечқурса, ижрони мингдан бир вақтга чўзишнинг турли усулларини ўйлаб топишган экан. Бу фикримизга ҳам бир мисол келтирамиз.

1771-1786 йилларда Эдвард Деннис исм-шарифли шахс Англия давлатининг расмий жаллоди сифатида фаолият кўрсатган. Лекин кейинчалик у Англияда бўлиб ўтган католик динига мансуб шахсларга қарши исён қатнашчисига айланади. Англия ҳукумати исённи куч билан бостиради ва суд қўлга тушган исёнчиларнинг олтмиш нафар фаол аъзосини олий жазо — осиб ўлдиришга ҳукм этади. Олтмиш нафар исёнчининг орасида Эдвард Деннис ҳам бор эди. Одатда, судларда инсонпарварлик нуқтаи-назаридан жиноятчига сўнгги сўз берилади. Жумладан, бу одат Англия судида ҳам мавжуд.

Хуллас, Эдвард Деннис ўзининг сўнгги сўзида суддан "унга тегишли бўлган вазифа — яъни жаллодликни ўғлига беришни ва ўзини олтмиш нафар сафдошларининг энг сўнггида, ўғли осиб ўлдиришини" сўрайди.

Унинг "талаб"ини кўриб чиққан суд ҳайъати эса бошқачароқ қарорга келади. Яъни Эдвард Деннисга ўзининг 25 нафар ҳамфикрларини осиб ўлдиришига рухсат беради. Эдвард ўзига юклатилган вазифани "аъло даража"да бажаради. Ҳатто бирон-бир туки ҳам қилт этмасдан ўз сафдошларининг бўйниларига сиртмоқ солади.

Йигирма олтинчи бўлиб дор остига келтирилган Эдвард Деннисдан "нега ўз сафдошларингизни жазолашга рози бўлдингиз?", — деб сўрашганда, у шундай жавоб берган экан:

– Ҳар ҳолда мен улардан бир неча дақиқа бўлса-да, узоқроқ яшадим-ку!

Ҳа, ҳаёт шундай шафқатсиз. Инсон ўз умрини бир неча дақиқа узайтириш учун қандай қабиҳ ишларга қўл урмайди, дейсиз?!

**Хорижий ОАВ асосида**
**И. ҲАМРОЕВ тайёрлади.**

Taassuf

# КОСА ТАГИДА НИМКОСА

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Аслини айтганда, бошқарма мутасаддиларининг кейинги хатти-ҳаракати 2003 йил 29 августдаги буйруқ ижроси атай пайсалга солинган, бундан уларнинг ўзи манфаатдор бўлган, дегандек таассурот уйғотади.

Бундай дейишимиз бежиз эмас. Чунки бошқарма мутасаддилари охир-оқибат ўз сўзларига "содиқ" қолишди. 2003 йил 29 августдаги 124-сонли буйруққа ўзгартириш киритиб, унинг 4,5,6,7-бандлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблашди ва 2004 йил 30 март куни 107-сонли янги буйруқ қабул қилинди. Аниқроқ айтганда, корхона кимошди савдосига қўйилди.

Аввал-бошдаёқ корхонанинг тақдири ҳал этиб қўйилганини энди англагандирсиз?

Бундан ҳам қизиғи шундаки, "Қайроқтош" МЧЖ маъмурияти йўлланган хатдан ҳам, корхона кимошди савдосига қўйилганидан ҳам бехабар қолди. Аниқроқ айтганда, бошқарма мутасаддилари бу ишни енг ичида, "МЧЖ"дан сир сақлаб амалга оширишди.

Лекин уларнинг бундай йўл тутиши охиригача сир бўлиб қолмади. Бу ҳаракатлардан хабар топган "Қайроқтош" МЧЖ раҳбарлари вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси вилоят бошқармасининг 2004 йил 30 мартдаги 107-сонли буйруғини бекор қилишни сўради.

Суд жараёнида эса яна бир қизиқ ҳолат ошкор бўлиб қолди.

— Хусусийлаштириш ишларини олиб бориш жараёнида раҳбаримиз А.Аҳмедов вилоят мулк бошқармаси ходими М.Тўраев хусусийлаштириш баҳосини пасайтириб беришга ваъда берганини айтди. Бунинг учун пул йиғиб бериш зарур экан. Биз унинг сўзини икки қилмадик, — дейди суд мажлисида гувоҳ сифатида қатнашган таъсисчилар А.Аҳмедов ва М.Қўшимов.

Хўш, буни қандай изоҳлаш керак?

Шунингдек, суд жараёнида иш ҳужжатлари муфассал ўрганилиб, даъвогар — "Қайроқтош" "МЧЖ" нинг даъвоси қаноатлантирилди.

Шу ўринда яна бир табиий савол туғилади: хўш, суд бошқарма буйруғини нега ғайриқонуний деб топди?

Аввало шуни айтиш керакки, бошқарма бошлиғи масъулиятни атай унутиб, 2003 йил 29 августдаги буйруғига ўзгартириш киритиш учун асос бўладиган ҳолатларни текшириб кўрмаган. қҚайроқтош" МЧЖ томонидан пул тўламаганлик сабаблари пухта таҳлил этилмаган. Чунки жамоада маблағни тўлаш имкониятлари пайдо бўлган эди. Бунинг устига маблағнинг 20391.1 минг сўмини тўлаш муддати ҳали келмагани ҳам инобатга олинмаган.

Шунингдек, хусусийлаштирилган мол-мулклар бор-йўқлиги қайта санокдан ўтказилмаган. Бошқарманинг янги буйруғи Ғиждувон туман ҳокимлигининг "Қайроқтош" МЧЖ давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги қарори муҳокама этилмай, унга хизмат кўрсатувчи банкдан маълумот олинмай чиқарилган.

Фуқаролик кодексининг 44-моддаси, 4-хатбошисида **юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланиши қайд этилган.** Аммо қонуннинг бу талаби ҳам четлаб ўтилган. Яна бир қусур шундан иборатки, бошқарманинг 2003 йил 29 августдаги буйруғининг 5-банди талаби ора йўлда қолиб кетган. Аниқроқ айтганда, ҳали шартнома битим тузилмай туриб, қайси асослар бўйича муддатида тўланмаган пул учун жарима ҳисобланиши асослаб берилмаган.

Энг асосийси, мазкур ишни судда муҳокама этиш жараёнида даъвогар томон вакиллари корхонани хусусийлаштириш чоғида 12 миллион сўмлик асосий воситалар ғаразли мақсадни кўзлаб, хусусийлаштириш рўйхатига киритилмай қолдирилгани тўғрисида кўрсатма беришди. Лўнда қилиб айтганда, юз фоиз давлат мулки асосида ташкил қилинган корхонани хусусийлаштириш "коса тагида нимкоса" деганларидек, нохолисона ўтказилган.

Шу боис ҳам, суд Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан жиноят иши қўзғатди ва иш материаллари тергов ҳаракатларини олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугун мамлакатимизда эртанги кун истиқболига хизмат қиладиган туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириш, одамларда мулкка эгалик туйғусини шакллантириш ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Ана шундай истиқболли мақсадларга нохолис муносабатда бўлиш, ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўйиш охир-оқибат юзшувутликка олиб келади.

**Мустафо ЖЎРАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Қишнинг сокин кунлари*

# ЭССИЗГИНА ШОҲСАНАМ...

СУД ОЧЕРКИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Шу боис ҳам Шоҳсанам унинг феъл-атвори, юриш-туришида бирон-бир ёмонлик аломатини кўрмасди. Ана шундай кунларнинг бирида Муталлиб пайт пойлаб Шоҳсанамга муҳаббат изҳор қилди, ҳадемай уйига совчи юбориб, уйланишини айтди.

Унинг бу гапларини эшитиб, Шоҳсанам гарчи "дув" қизариб кетган бўлса-да, ишонди. Аммо соддадил, беғубор қиз Муталлиб бу гаплари билан ўзини илондек авраётгани, унинг ҳаётига чанг солиш учун қулай пайт пойлаётганини сира хаёлига келтирмасди.

Ана шундай кунларнинг бирида Муталлиб Шоҳсанам билан шаҳар айланиб юрганда, дўсти Зуҳриддинни учратиб қолди.

Шунда у Зуҳриддинни бир четга тортиб, секин шипший бошлади:

- Бизни манави ҳурлиқо билан машинангда бир сайр қилдириб келсанг, яхши бўларди. Бир мириқиб дам олардик-да, дўстим...

Зуҳриддин унинг муддаосини тушуниб оғзининг таноби қочди.

-Гап йўқ, сен айтасану мен йўқ дермидим. Фақат яқинда бир қариндошимиз тўй қилган эди, мен тўйга борганим йўқ. Шунга бирров кириб ўтамиз. Кейин ҳар қандай хизматингга тайёрман, — деди у.

— Хўп, келишдик, -деди Муталлиб.

Шоҳсанам икки-уч қадам нарида тургани учун улар нима тўғрисида гаплашганини эшитмади.

Кейин Муталлиб унинг ёнига келиб, кечки пайт шаҳар ташқарисига чиқиб айланиб келамиз, оғайним таклиф қилаяпди, деди.

Бироқ Шоҳсанам унинг бу таклифига кўнмади.

Ота-онам рухсат бермайди, уларга бу ҳақда айтишга ҳам уяламан, деди. Муталлиб эса ўзини қўй оғзидан чўп олмаган беозор одамдек кўрсатиб, уни яна илондек аврашга тушди:

-Борамизу келамиз, бир тоза ҳаводан тўйиб нафас олайлик. Сиз менга ишонмайсизми? Шу пайтгача бирон-бир ёмонлигимни сездингизми?

Шоҳсанам унинг риёкорлиги, усталик билан гапириши олдида нима қилишни билмай қолди. Охир-оқибат эса шаҳар ташқарисига чиқишга рози бўлди.

Ўша куни кечки пайт улар аввал келишилганидек, Зуҳриддиннинг қариндошиникига боришди. Зиёфат қуюқ бўлди. Зуҳриддин машина ҳайдашини айтиб, арақ ичмади, Шоҳсанам эса умуман ичмаганлигини айтиб, ичишдан бош тортди. Муталлиб эса уй эгаси билан бир шишани бўшатди.

Зиёфатдан сўнг улар Қаршига қайтишар экан, Муталлиб Зуҳриддинга бу ёққа келишдан бурун айтган гапларини эслатди.

Зуҳриддин эса унга ёдимда турибди, дегандек маъноли қаради-да, йўлнинг кимсасиз бир жойига етганда, машинани тўхтатди. Сўнг ўзи челакни кўтариб аллақаёққа кетди.

Машина ичида Муталлиб билан Шоҳсанам ёлғиз қолди.

Шунда Шоҳсанам Муталибнинг юзига қараркан, бирдан қаршисида турган йигитнинг кўнглидан кечаётган ёвуз ниятни тушуниб етди. Ва қўрқувдан юраги орқага тортиб кетди.

— Сиз менга уйланишга ваъда бергансиз, ахир, — деди Шоҳсанам йиғлаб туриб, унга қаршилик кўрсатар экан.

Бироқ айни дамда буткул инсоний қиёфасини йўқотган Муталлиб унинг дод-фарёдига қулоқ ҳам солмади. Навниҳол, бунинг устига қўрқувдан адойи-тамом бўлиб қолган қиз унинг ҳамласи қаршисида ожиз қолди.

Муталлиб разил ниятига етгач, машинадан тушди. Ва шундан сўнг бундан ҳам даҳшатли воқеа рўй берди. Яъни Муталлибнинг имоси билан Зуҳриддин машинага кирди...

Инсоний қадр-қиммати, ғуруру номуси оёқости қилинган Шоҳсанам анча пайтдан сўнг ўзига келди. Унинг бутун вужуди алам, қаҳр-ғазаб ва нафратга тўлиб турарди. Шу боис ҳам у ўзини тутолмай ҳозиргина қадрини топтаган ёвуз ниятли кимсаларга қаҳрини сочди:

— Одам эмас, ҳайвон экансанлар. Ҳали кўрасанлар, устларингдан арз қилиб, қон йиғлаттираман, — деди у титраб-қақшаган куйи.

Шу пайтга қадар ҳеч нарсани ўйламай турган икки разил кимса унинг сўзларини эшитиб, бирдан юракларига ваҳима оралади. Ҳақиқатан ҳам, Шоҳсанам арз қилса, ҳаммаси тамом. Энг ёмони, ҳозир қизни алдаб-сулдаб бирон-бир гапга ишонтириб бўлмайди. У айни дамдаги важоҳати билан ҳар қандай ишга қўл уришдан тоймайди. Хўш, бундай вазиятда нима қилиш керак? Ҳаммасини ўз ҳолига ташлаб, индамай кетиб бўлмайди. Шундай бир йўл тутиш керакки, токи бу ишнинг ҳеч қачон ҳиди чиқмасин...

Ана шундай ваҳимага тушган икки разил кимса яна бир ёвуз ишга қўл уришди. Улар қизни гумдон қилмоқчи бўлишди. Ва ана шу ниятда Зуҳриддин белидаги камарини ечиб Муталлибга берди. Кейин икковлон ожиза қизни ана шу камар билан бўғишга тушди. Кўп ўтмай бечора Шоҳсанам тинчиб қолди. Икковлон апил-тапил жасадни йўл ёқасидаги каналга ташлаб юборишди. Қизнинг жасадини каналга ташлашдан олдин унинг тилла занжири, қўлидаги катта тилла узук ва сумкасидаги пулни олишдан ўзларини тиёлмади...

Jinoyat va jazo

Улар шу кўйи ўзлари содир этган разолатнинг изини яширишга уринишаркан, бу мудҳиш жиноятни ҳеч ким билмайди, деб ўйлашган эди. Аммо улар ўйлагандек бўлмади. Қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқ ҳимоячилари бу жиноятни охиригача фош этишди. Қотилларга қилмишига яраша адолатли жазо тайинланди.

Бироқ кишини эндигина катта ҳаётга қадам босиб келаётган икки йигит нега бундай мудҳиш разолатга қўл урди, деган савол ўйлантиради.

Биз эса хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, мақоламиз "қаҳрамон"ларининг жиноятчилик кўчасига кириб қолишларига ҳам нафақат уларнинг ўзлари, балки оила аъзолари, маҳалла-кўй ҳам айбдор. Албатта, атрофдагиларни жиноятга бевосита дахлдор, деб айтиш балки инсофдан бўлмас. Лекин билвосита айбдор, деб айта оламиз. Чунки қайсидир маънода атрофдагиларнинг лоқайдлиги икки нафар ёш йигитни жиноят кўчасига кириб қолишларига сабаб бўлган. Шундай экан, сиз, мен, ҳаммамиз атрофга огоҳлик кўзи билан қарасак, бу ўзимиз учун ҳам, атрофдагилар ва фарзандларимиз учун ҳам фойдадан холи бўлмайди.

**Шоҳрух АКБАРОВ,**
**журналист**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6